

Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби

Учқун Ўроқов
Улугбек Шарипжон ўғли
Тошкент молия институти

Аннотация: Мақолада давлат харидлари тизимида ҳадли келишув шартномаларини тузиш, амалга ошириш, мезонлари ва механизми ёритилган.

Калит сўзлар: давлат хариди, корпоратив буюртмачи, ҳадли келишув, харид комиссияси.

The procedure for public procurement by the method of a framework agreement

Uchqun Urokov
Ulugbek Sharipjon ugli
Tashkent Institute of Finance

Abstract: The article describes the creation, implementation, criteria and mechanism of the agreement agreements in the state procurement system.

Keywords: e public procurement, corporate customer, framework agreement, procurement commission.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон қарори билан “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланди.

2022 йил 1 июлдан бошлаб фақат корпоратив буюртмачилар давлат харидини амалга оширишда ҳадли келишув тартиб-таомилидан ҳам фойдаланиши мумкин (бюджет буюртмачиси ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошира олмайди).

Ҳадли келишув икки босқичли харид қилиш тартиб-таомили ҳисобланиб, унинг биринчи босқичи ҳадли келишувнинг томони сифатида камида учта иштирокчини аниқлаш, иккинчи босқичи эса ҳадли келишувнинг томони ҳисобланган иштирокчилардан бири билан шартнома тузиш учун ўтказилади.

Ҳадли келишув воситасидаги давлат хариди куйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

– голибни аниқлаш мезонлари товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нафақат пул билан баҳоланишини, балки миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланишини ҳам ўз ичига олади;

– товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир ҳадли келишув бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваридан ортиқ миқдорни ташкил этади;

– муайян (кўпи билан уч йилгача) муддат давомида корпоратив буюртмачилар фаолиятида жорий ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиладиган товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш узлуксизлигини таъминлаш зарурати юзага келиши.

Ҳадли келишув воситасида давлат харидларини амалга ошириш куйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1-жадвал

Ҳадли келишув воситасида давлат харидларини амалга ошириш
СХЕМАСИ¹

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Корпоратив буюртмачи	1. Тоқ сонли ва камида етти нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссиясини тузади. 2. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очади. 3. Ҳадли келишув орқали харидларни амалга ошириш ҳақидаги эълоннинг, харид қилиш ҳужжатларининг, ҳадли келишув ва шартнома лойиҳасининг матнини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишиш учун электрон шаклда киритади.	Заруратга кўра
2-босқич	Харид комиссияси	Харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ва келишади.	Заруратга кўра
3-босқич	Корпоратив буюртмачи	Харид комиссияси билан келишилган харид қилиш ҳужжатларини ЭРИ билан тасдиқлайди.	Заруратга кўра
4-босқич	Корпоратив буюртмачи	Харид қилиш ҳужжатлари, ҳадли келишув ва шартнома лойиҳаси, шунингдек, ҳадли келишув орқали харидлар ўтказиш ҳақидаги эълонни давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштиради.	Таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида ўн икки иш куни олдин ва кўпи билан ўттиз иш куни олдин
5-босқич	Иштирокчи		

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”

		Ҳадли келишув таклифини электрон таклиф кўринишида ўзининг шахсий кабинети орқали тақдим этади.	Эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай
6-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Ҳадли келишув таклифи иштирокчилар, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари ва бошқа шахслар томонидан кўрилишига йўл қўймайди, бундан ушбу таклифни тақдим этган иштирокчи мустасно. 2. Иштирокчи таклиф этаётган нархнинг бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. 3. Иштирокчи томонидан таклиф этилаётган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади.	Ҳадли келишув таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар
7-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг ҳадли келишув таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни харид комиссияси масъул котиби ва аъзоларига кўриш имкониятини беради.	Таклифларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг дарҳол
8-босқич	Харид комиссиясининг масъул котиби	1. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг ҳадли келишув таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текширади. 2. Ҳадли келишув таклифи харид қилиш ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича қарорни унинг асосланган сабаблари билан тасдиқлаш учун харид комиссиясига киритади.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
9-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Ҳадли келишув таклифининг миқдорий кўрсаткичларини баҳолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
10-босқич	Харид комиссияси	Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини овоз бериш орқали таққослашни амалга оширади ва баҳолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
11-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ бўлган иштирокчиларни аниқлайди. 2. Харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ бўлган иштирокчиларнинг сони учтадан кам бўлган тақдирда, ҳадли келишув бўйича харид қилиш тартиб-таомилини бўлиб ўтмаган деб ҳисоблайди. 3. Ҳадли келишув таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижаларини автоматик равишда шаклландирган биринчи босқичнинг электрон баённомасида қайд этади.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
12-босқич	Харид комиссияси аъзолари	Электрон баённомани ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда

13-босқич	Корпоратив буюртмачи	Ҳадли келишув тартиб-таомилининг биринчи босқичи натижаларига кўра харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ бўлган камида уч нафар иштирокчи билан ҳадли келишувни имзолайди.	Ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунида
14-босқич	Корпоратив буюртмачи	1. Ҳадли келишув тартиб-таомилининг иккинчи босқичида корпоратив буюртмачи шартномани тузиш учун биринчи босқичдан ўтиб, ҳадли келишув тузилган барча иштирокчиларга иштирок этиш учун давлат харидларининг электрон тизими орқали нарх сўровини юборади. 2. Нарх сўрови ва якуний баҳолаш натижаларига кўра аниқланган ғолиб билан ҳадли келишувнинг умумий суммаси ва амал қилиш муддати доирасида шартнома тузади.	Ҳадли келишувнинг амал қилиш муддати доирасида
15-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Тузилган шартнома тўғрисидаги маълумотларни Шартномаларнинг ягона реестрига жойлаштиради.	Автоматик равишда

Ҳадли келишувнинг биринчи босқичи натижасига кўра ушбу босқичдан ўтган камида уч нафар иштирокчи билан ҳадли келишув имзоланади. Ҳадли келишувнинг амал қилиш муддати уч йилдан кўп бўлмаслиги керак. Ҳадли келишув тўғрисидаги ахборот у тузилган санадан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштирилиши шарт.

Ҳадли келишув орқали давлат харидларини амалга оширишнинг биринчи босқичида харид комиссиясининг фаолиятини, харид қилиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва харид қилиш тартиб-таомилини ўтказиш тўғрисидаги эълонни жойлаштиришни ҳамда харид қилиш тартиб-таомида иштирок этиш учун таклиф беришни тартибга солишда тендер ўтказиш тартиб-таомиллари қўлланилади.

Бунда биринчи босқичда харид ҳужжатларига таклифнинг фақат техник қисми тақдим этилиши, шунингдек, ҳадли келишув тузиладиган муддат давомида товарларни (ишларни, хизматларни) умумий ҳажми ва бошланғич нархи доирасида етказиб бериши лозимлиги юзасидан талаблар киритилади. Иштирокчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича нарх таклифлари тақдим этилмайди.

Ҳадли келишув орқали давлат харидларини амалга оширишда корпоратив буюртмачи харид қилиш ҳужжатларида ва харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказилиши тўғрисидаги эълонда камида уч нафар иштирокчи билан ҳадли келишув тузилишини назарда тутиши ҳамда ҳадли келишув орқали давлат харидларини амалга оширишнинг асословчи сабаб ва шароитларини баён этиши шарт. Бунда харид қилиш ҳужжатларига унинг ажралмас қисми бўлган ҳадли келишув ва шартнома лойиҳалари илова қилинади.

Ҳадли келишув тузиш учун таклифлар бериш муддати тугаган вақтда иштирокчилардан камида учта таклиф олинган бўлса, иштирокчиларнинг

таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Иштирокчи бундай таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Ҳадли келишувнинг харид қилиш тартиб-таомилида учта иштирокчидан кам иштирокчи иштирок этса, ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, шунингдек, камида учта иштирокчининг таклифлари харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид қилиш тартиб-таомили ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолда давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилини айна ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айна ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.

Товарга (ишга, хизматга) доир баҳолаш шартлари, мезонларини ва талабларни ўзгартириш ёки ҳадли келишув тузиш бўйича талабни чиқариб ташлаб тендер ўтказиш зарур бўлганда, харид комиссияси асосларни кўрсатган ҳолда тегишли қарорни қабул қилади. Ҳадли келишув тартиб-таомилининг биринчи босқични баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан ошиши мумкин эмас.

Ҳадли келишув тартиб-таомилининг иккинчи босқичида корпоратив буюртмачи шартномани тузиш учун биринчи босқичдан ўтиб, ҳадли келишув тузилган барча иштирокчиларга иштирок этиш учун давлат харидларининг электрон тизими орқали нарх сўровини юборади. Бунда ҳадли келишув тузилган иштирокчилар нарх сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф давлат харидларининг электрон тизими томонидан юборилган пайтдан эътиборан камида беш иш куни ичида ўз таклифларини беришга ҳақли.

Корпоратив буюртмачи томонидан электрон тизим орқали нарх сўрови юборилишида биринчи босқич натижасига кўра тузилган ҳадли келишувга ҳавола, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) айна вақтда талаб этиладиган ҳажми, таклифларни юборишнинг охириги муддати белгиланиши лозим. Таклифларни юборишнинг охириги муддати яқунланганидан сўнг давлат харидлари электрон тизими ҳадли келишув тузилган иштирокчиларнинг нарх таклифларини баҳолайди ва ғолибни аниқлайди. Бунда ҳадли келишув тузилган иштирокчиларнинг нарх таклифлари биринчи босқичда корпоратив буюртмачи томонидан белгиланган бошланғич нарх доирасида бўлиши лозим.

Ҳар бир ўтказиладиган нарх сўрови ва якуний баҳолаш натижасига кўра фақат битта ғолиб аниқланади ва харид қилиш ҳужжатларида ва ғолиб деб топилган иштирокчининг таклифида кўрсатилган шартлар асосида ўн иш кунидан кечиктирмасдан шартнома тузилади. Ҳадли келишув асосида тузилган шартнома у тузилган санадан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштирилиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом
3. O‘roqov U.Yu. Davlat xaridi. O‘quv qo‘llanma.T.:«Nihol print» ОК, 2022. 200 b.
4. У.Ўроқов, Э.Шодмонов, Д.Бобобекова. Давлат харидларини бошқариш. Т.-2022 й.
5. У. Ўроқов. Давлат харидлари тизими: кеча ва бугун. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 8-сон, 2018 й.
6. У.Ўроқов. Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари. “Замонавий молиянинг миллий ва халқаро долзарб масалалари”. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ, 2021 йил 20 май
7. Ўроқов У.Ю. Чинқулов Қ.Р. Ўзбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари. «Халқаро молия ва ҳисоб» журнали, 2017 йил 8-сон.
8. У.Ўроқов. Ўзбекистонда давлат харидлари тизimini такомиллаштириш масалалари. “Ўзбекистонда давлат харидлари тизimini такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги олий ўқув юртлараро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ, 2014 йил 13декабрь
9. У.Ўроқов. Ғазначилик тизимида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари. “Худудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.ТМИ, 2017 йил 12 апрель
10. У.Ўроқов. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўллари. “Худудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.ТМИ, 2017 йил 12 апрель
11. N Xaydarov. Soliqlar va soliqqa tortish masalalari. O 'quv qo 'llanma. Toshkent: Akademiya, 2007
12. Т.С. Маликов, Н.Х. Хайдаров. Молия: умумдавлат молияси. Тошкент:«IQTISOD-MOLIYA, 2009
13. A.V. Vaxabov, Sh. A. Tashmatov, N.X. Xaydarov, A.V.Vaxabov. Moliyaviy savodxonlik asoslari: o'quv qo'llanma/-Toshkent- 2013
14. Ҳайдаров Н., Т. Маликов - Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни. Ўқув қўлланма, 2007

15. Т.С. Маликов, Н.Хайдаров. Финансы: государственные финансы. Учебное пособие. Экономика и финансы. Ташкент. 2009
16. Н. Хайдаров. Давлат молиясини бошқариш. Т.:«Академия, 2005
17. Н.Хайдаров. Сравнительный анализ основных макроэкономических показателей Республики Узбекистан. Международная научно - практическая конференция «Процессы цифровой трансформации в экономике, финансах и управлении в условиях пандемии». Казань – Ташкент, 4 мая 2022 г.
18. N. Haydarov. Issues of enhancing the quality of doctoral education at higher education institutions: European Experience and practices of joint project in higher education reform process in Uzbekistan. Vita Color T.: 2014
19. U.Y.O'roqov, M.B.Moyliyev. Mamlakat investitsiya jozibadorligini oshirish orqali xalqaro kapitalni jalb qilish masalalari. Science and Education, 2022
20. Uchqun Yunusovich Urokov, Zulayho Abdujobir Qizi Tursunova. Actual issues in the management of external debt. Science and Education, 2022. № 12
21. Uchqun O'roqov, Javohir Yomg'Irov. Davlat xaridlarini tashkil etish modellari: afzalliklari va kamchiliklari. Science and Education, 2022. № 12
22. У.Ю.Уроков. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳукукий асослари.«Халқаро молия ва ҳисоб» журнали. 2017
23. У.Уроков. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йуллари.2017
24. У.Ю. Уроков. К, ишлок ҳужалиги субъектларини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш. Иқтисодиёт ва таълим, 2015
25. У.Уроков. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишга оид назарий қарашлар. "Узбекистоннинг халқаро молия тизимида интеграциялашувни кучайтириш йуллари" мавзусидаги республика илмий-амалий конференция. ТМИ. 2020
26. У.Уроков. Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини белгиловчи курсаткичлар. 2020.
27. У.Ю Уроков, К.Р. Чинкулов. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳукукий асослари. «Халқаро молия ва ҳисоб» журнали, 2017
28. У.Уроков. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишнинг устувор йуналишлари. Science and Education, 2022. № 6
29. У.Ўроқов. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йуллари. 2017